

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.А.Турсунов

IV Akademiya 318-гуруҳ курсанти

Ҳар қандай муайян ҳуқуқбузарлик содир этишнинг замирида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни жамиятга зид қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Жиноятлар сабаблари ва шароитларининг хажмига кўра таснифи қуйидагилардан иборатдир:

1. Умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитлар бу жамиятда жиноятларининг ижтимоий-ҳуқуқий ходиса сифатида объектив қонуний равишда бўлишини тақозо қиладиган, сабаб ва шароитлардир. Жиноятнинг умумий ижтимоий сабаб ва шароитларини ўрганиш умумий назарий аҳамиятга ега ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир умумий муаммоларини ҳал қилишнинг илмий асоси ҳисобланади.

2. Гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар жиноятларининг муайян йўналишлари (вояга етмаганлар ўртасидаги, аёллар ўртасидаги, ахлоққа қарши, коррупцияга оид), алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларининг (безорилик, қотиллик, ўғирлик, босқинчилик) сабаб ва шарт шароитлари бўлиб, алоҳида йўналишдаги жиноятларнинг ёки муайян жиноятларнинг жамиятда бўлишини, содир қилишини тақозо қилади.

3. шахсий даражадаги сабаб ва шароитлар эса муайян шахсни жиноят содир қилишга олиб келган, асосан шахсий, субъектив хусусиятга эга бўлган сабаб ва муайян ҳаётий, тасодифий шароитлардир. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, барча даражадаги сабаб ва шарт шароитлар бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, умумий ижтимоий ва гуруҳий даражадаги сабаб ва шарт шароитлар шахсий даражадаги сабаб ва шарт шароитларда кўринади, шахсий даражадаги кўп учрайдиган типик сабаб ва шароитлар эса умумижтимоий даражадаги сабаб ва шарт шароитларни ташкил қилади.

Бугунги кундаги профилактика инспекторлари Республика бўйича 9 877 нафар, ҳуқуқ-тартибот масканлари (таянч пунктлари) сони эса 5 997 тани ташкил этади, 2020 йил маълумотларига кўра профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилган:

- ариза ва шикоятлар – 478 942 та;
- оила-турмуш доирасидаги нозолар – 26 875 та;
- нотинчликка барҳам берилган ҳолатлар – 19 967 та;
- ажралишни олдини олинган оилалар – 8 885 та;



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



- аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар – 1 684 071 та;
- олдини олинган жиноятлар – 344 та;
- фош этилган жиноятлар – 4 596 та;
- ушланган қидирувдаги шахслар – 273 та;
- мажбурий тартибда келтирилган шахслар – 63 876 та;
- аниқланган бедарак йўқолганлар 70 нафар ни ташкил этади.

Умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитларни ўрганиш илмий билиш аҳамиятига эга ва умумдавлат миқёсида ёки унинг маълум бир минтақаларида жиноятчиликни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш учун зарурдир.

Гурухий даражада жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш эса умумдавлат миқёсида ёки унинг маълум бир минтақаларида алоҳида йуналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни миқдорини камайтириш мақсадида профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарурдир.

Жиноятчилик сабаб ва шароитларини мазмуни бўйича таснифлаш. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини мазмун бўйича таснифлаш ҳам муҳим амалий аҳамиятга егадир. Бу борада Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-руҳий (шахсиятпарастлик, ғаразгўйлик, мансаапарастлик) ташкилик-бошқарув, ҳуқуқий (қонунчиликдаги мавжуд камчиликлар, айрим турдаги муносабатларни тартибга соладиган қонунларнинг йўқлиги) ва бошқа гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

